



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 13 июнь, № 117 (8740)

Пайшанба

Сайтимидаги ўқиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## Муносабатларимиз тенглик, дўстлик, ҳамжиҳатлик тамойиллари асосида қурилган

Таъкидлаш жоизки, ўзбек ва корейс миллатларининг ўхшашликлари, умумийлик жиҳатлари бисёр. Бизни тил жиҳатдан Олтой тиллар оиласи бирлаштириб турган бўлса, ҳудуд жиҳатдан бир қитъа, бир минтақа — Евроосиё ва Шарқ умумийлаштириб туради. Тарихий, маданий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлаш имконлари кўриш мумкин.

### Фикр

Жафоқаш корейс халқи ҳам ўзбеклар сингари ўтмишда кўп бор босқинчилар зулми остида яшаган. Уларга қарши кескин кураш олиб боришга мажбур бўлган. Ана шундай қийинчиликлар эвазига бўлса керак, корейслар ҳозирги тинч ва фаровон муҳитда ҳам ўз меҳнатсеварлиги ва тиришқоқлиги билан ажралиб туради, янгиликларга қўл уриб, турмуш тарзини янада фаровонлаштиришга интилиб яшайди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги ало-

қалар ҳар бир соҳада ижобий руҳда, муваффақиятли ривожланиб борапти. Шу ўринда муносабатларимиз тенглик, дўстлик, ҳамжиҳатлик тамойиллари асосида қурилганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан Корея Республикаси Президенти Ён Сох Ёль 13 — 15 июнь кунлари давлат таширфи билан мамлакатимизда бўлади. Ва бу таширф доирасида кўплаб долзарб масалалар муҳокама қилиниши, бир қатор ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.



## Ўзбекистон ва Жанубий Корея:

# СИЁСИЙ ШАРТЛАРДАН ХОЛИ ҲАМКОРЛИК

Жанубий Корея Ўзбекистоннинг энг муҳим стратегик шерикларидан. Бу икки давлат халқларини қадимий дўстлик ришталари боғлаб туради. Икки халқнинг маданияти, менталитети ўхшаш. Тақдир тақозоси билан юртимизга келиб қолган корейслар ўзбеклар билан дўст-биродар бўлиб кетган, жамиятимизнинг фаол аъзоларига айланган. Корейс миллатига мансуб юртдошларимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатида, маҳаллий Кенгашларда, бошқарув органларида, иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг барча соҳасида фаолият юритаётди.

### Нуктаи назар

Корея Республикаси Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб, яъни 1991 йилнинг охирида тан олган, дипломатик алоқалар 1992 йил 29 январда ўрнатилган. Ўтган 32 йиллик давр мобайнида ҳар икки томон давлат раҳбарлари ўртасида олий даражадаги 20 га яқин учрашувлар ўтказилган. Уларда сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш юзасидан муҳим аҳамиятга эга бўлган келишувларга эришилган.

Жанубий Корея юксак даражада тараққий этган, улкан иқтисодий, илмий-техникавий, инновацион ва интеллектуал салоҳиятга эга давлат сифатида дунёда эътибор қозонган. Очиқлик, ўзаро англашув ва манфаатларга ҳурмат асосида қарор толган ҳамкорликни иккала томон ҳам юксак қадрлайди. 2017, 2019 ва 2021 йилларда амалга оширилган ўзаро давлат таширфлари натижасида имзоланган ҳужжатлар билан бир қатор шартномаларнинг умумий миқдори 22 млрд. долларни ташкил этди.

2019 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар "алоҳида стратегик шериклик" даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси Президентининг тақлифига биноан 2020 йил 30 октябрь кунини Сеул шаҳрида видеонангувон шаклида бўлиб ўтган Шимол-Ўқибатнинг ҳамкорлик икки томон халқаро форумида иштирок этди. Давлатимиз раҳбари нутқида жондондаги мушкул вазият ва глобал инқироз шароитида айнан шундай кўп томонлама мулоқот янги хатар ва таҳдидларга самарали қарши туриш учун имконият яратиб, мамлакатларимиз барқарорлиги, фаровонлиги ва изчил тараққиётини таъминлашга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

2023 йил 19 сентябрь кунини Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Корея Республикаси Президенти Ён Сох Ёль Нью-Йорк шаҳрида БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессияси доирасида учрашув ўтказди. Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила

Норбоева 2023 йил 19 сентябрь кунини Сеул шаҳрида бўлиб ўтган "Марказий Осиё — Корея Республикаси" ҳамкорлик форуми парламентлари раҳбарларининг биринчи йиғилишида иштирок этди.

Халқаро тақлифлар доирасида Ўзбекистон Республикаси бугунги кунга қадар Корея Республикасининг қўллаб-қувватлаб келган. Ўз навбатида, расмий Сеул ҳам БМТ Бош Ассамблеяси доирасида Ўзбекистон ташаббуси билан 2018 йилда қабул қилинган "Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустақамлаш тўғрисида" ҳамда "Маърифат ва диний бағрикенглик" резолюцияларини қўллаб-қувватлади ва унга ҳаммуаллифлик қилди.

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг Осиё — Тинч океани минтақаси давлатлари савдо ҳамкорлари орасида етакчи ўринни эгаллайди. Хусусан, 1992 йилда имзоланган савдо битимига мувофиқ мамлакатлар ўртасида энг қулай афзалликлар режими ўрнатилган. Давлатлараро савдо-иқтисодий муносабатлар йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Ўтган йил якуни бўйича ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2,5 млрд. АҚШ долларидан ошди. Жанубий Кореянинг Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо айланмасида Ўзбекистон улуши қарийб 50 фоизни ташкил қилади.

## Учрашув

# Алоқаларни янада кенгайтириш масаласига эътибор қаратилди

Аввал хабар қилинганидек, айни чоғда Швейцариянинг Женева шаҳрида Халқаро меҳнат конференцияси бўлиб ўтмоқда. Унда иштирок этган Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Халқаро меҳнат ташкилотининг бир қатор раҳбарлари билан учрашувлар ўтказди. Мулоқотларда алоқаларни янада кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

## Меҳнат муносабатлари йўналишидаги ислохотлар юқори баҳоланди

Олий Мажлис Сенати Раиси, Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича миллий комиссия раиси Танзила Норбоеванинг Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) бош директори Жильбер Унгбо билан Женева шаҳридаги учрашувида алоқаларимизнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Ж. Унгбо Ўзбекистоннинг ХМТнинг Маъмурий кенгаши аъзоларига сайлангани билан самимий кўтлаб, мамлакатда меҳнат муносабатлари йўналишида амалга оширилган ислохотларни юқори баҳолади. Эришилган натижа ва тажрибанинг намуна сифатида минтақа, қолаверса, жаҳон мамлакатларига кенг тарғиб этилаётганлигини маълум қилди.

Мулоқот давомида муносиб меҳнат тамойилларини тизимли татбиқ этиш ишларини янада такомиллаштириш, шунингдек, ХМТ билан Ижтимоий адолат глобал коалицияси доирасида олиб борилаётган ҳамкорлик муносабатларига алоҳида эътибор қаратилди.

Сўхбат чоғида Ж. Унгбонинг Ўзбекистонга илк расмий таширфи дастури юзасидан ҳам фикр алмашилди.

## Ҳуқуқий асосни такомиллаштириш йўлида

Олий Мажлис Сенати Раиси Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича миллий комиссия раиси Танзила Норбоева Халқаро меҳнат ташкилотининг департамент директори Корин Варга билан учрашди.

Учрашувда меҳнат ва ижтимоий муносабатлар соҳасидаги Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган халқаро конвенцияларнинг бажарилиши, бу йўналишда бошқа конвенцияларга қўшилиши масалалари кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда хусусий сектор ривожланиб бораётганини ҳисобга олиб, корхоналарда иш берувчилар ва ходимлар муносабатларининг ҳуқуқий асосини янада кучайтириш борасидаги ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

## Бизнинг сўхбат

# Элчи Юй Цзюнь: Хитой ва Ўзбекистон миллий маданиятни тарғиб қилишни қўллаб-қувватлайди ҳамда цивилизациялараро алмашинувни фаол ривожлантиради

Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси Юй Цзюнь "Дунё" АА учун интервьюсида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 7 июнда қабул қилинган "Халқаро цивилизациялар ўртасидаги мулоқот кунини" резолюциясининг аҳамияти ҳақидаги фикрларини билдирди.

— БМТ Бош Ассамблеяси Хитой ва Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган 10 июнь санасини "Халқаро цивилизациялар ўртасидаги мулоқот кунини" деб эълон қилиш тўғрисидаги резолюцияни бир овоздан маъқуллади. Ушбу ташаббуснинг мақсади цивилизациялар хилмахиллиги қадриятини англаш, мулоқот, ўзаро ҳурмат ва глобал бирдамликни ривожлантиришга қаратилган. Сизнингга ушбу резолюция БМТга аъзо давлатлар халқларига қандай фойда келтиради?



— БМТ томонидан Халқаро цивилизациялар ўртасидаги мулоқот кунини белгилаш тўғрисидаги резолюциянинг қабул қилиниши тарихий аҳамиятга эга. Унда қайд этилганидек, барча цивилизациялар ютуқлари инсониятнинг умумий меросини ифода қилади. Резолюция маданий хилмахилликка ҳурматни рағбатлантиради ва тинчликни таъминлаш, умумий тараққиётга кўмаклашиш ва барча халқлар фаровонлигини ошириш учун цивилизациялар ўртасидаги мулоқот муҳимлигини таъкидлайди. У цивилизациялар

2023 йилда Хитой Раиси Си Цзиньпин Глобал цивилизация ташаббусини илгари сурди, цивилизациялар ўртасидаги тенглик, ўзаро ўрганиш, мулоқот ва инклюзивлик тамойилларининг муҳимлигини таъкидлаб, беғоналашувни — маданий алмашинувлар, тўқнашувларни — ўзаро ўрганиш, устунлик ҳиссини инклюзивлик билан енгиб ўтишга чақирди.

БМТ Бош Ассамблеясининг "Халқаро цивилизациялар ўртасидаги мулоқот кунини" резолюцияси Глобал цивилизация ташаббуси моҳиятига тўлиқ мос келди ва бизнинг халқлар ўртасидаги ўзаро алмашинув ва бутун инсоният тараққиётига кўмаклашишга бўлган умумий интилишимизни акс эттиради.

## Замирбек БАЗАРБЕКОВ, Қирғиз Республикаси Олий суди раиси:



— Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Олий судлари раисларининг ўн тўққизинчи йиғилишида биз Ўзбекистон Олий судининг натижалари билан танишдик. Бундай юксак ютуқларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг қўллаб-қувватлаши ва эътибори туғайли эришилмоқда. Маълумки, бугунги кунда Ўзбекистонда

инсон ҳуқуқ ва эркинликларини мустақам ҳимоя қилиш тизимини, жумладан, тезкор-қидирув ва тергов фаолиятида тергов судьяси институтини жорий этиш орқали янги босқичга кўтаришга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Белгиланган янги вазифалар таҳсинга сазовор бўлиб, улар суд-ҳуқуқ тизимини янада ривожлантириш ва улкан муваффақиятлар сари етаклаши, шубҳасиз.

## Сона ПРОСТРАН, Белграддаги иккинчи шаҳар суди раисининг ўринбосари, судья (Сербия):

— Ўзбекистондаги суд ислохотларини диққат билан кузатиб бораётман. Соҳадаги ижобий ўзгаришлар, албатта, эътирофга лойиқ. Улардан бири — айрим Европа ҳуқуқий тизимларида мавжуд бўлган тергов судьяси лавозимини жорий этиш.



Ўзбекистонда тергов судьялари институтининг жорий этилиши қонун устуворлигини таъминлашда муҳим қадам ҳисобланади. Судьялик тажрибамдан келиб чиққан ҳолда айтишим мумкинки, бу фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини янада самарали ҳимоя қилиш имконини беради.

# ХАЛҚЛАРИМИЗНИ БИР-БИРИГА ЯҚИНЛАШТИРАДИГАН АНЖУМАН

Мамлакатимизда ўтказилаётган Озарбайжон маданияти кунлари чин маънода санъат, маданият, дўстлик ва қардошлик байрамига айланди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг юртимизга таширф буюрган Озарбайжон Республикаси маданият вазири Адил Каримлини қабул қилгани алоҳида аҳамиятга эга воқеаликдир. Бу — Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари бугунги кунда мулақо янги даражага кўтарилганининг яққол ифодаси бўлди. Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида Озарбайжон маданияти кунларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

## Азалий ришталар

Давлатимиз раҳбарининг Озарбайжон маданияти кунлари иштирокчиларига йўللган мурожаатини Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот котиби Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди.

Мурожаатда таъкидланганидек, кейинги йилларда Ўзбекистон ва Озарбайжон давлатлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари жадал ривожланиб, мулақо янги босқичга кўтарилмоқда. Бунинг барча соҳалар қатори маданий-гумани-

тар йўналишидаги алоқаларимиз ҳам изчил ривожланиб бораётгани мисолида барчамиз яққол кўриб туришимиз. Ўзбекистонда ўтаётган Озарбайжон маданияти кунлари мазкур йўналишдаги муҳим тадбирлардан бири. Чунки у халқларимизни бир-бирига янада яқинлаштирадиган, қардошлик ришталарини мустақамлайдиган учрашувларга, концерт дастурлари, кўргазмалар, самимий мулоқотлар, тақдиротлар, анжуманларга бой.



# ТЕРГОВ СУДЬЯЛАРИ ИНСТИТУТИ ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ ҚАДАМ



**Жамшид ПИРО,** «36 Stone» ва «Перо Чамберс» адвокатлик компаниялари адвокати, халқаро арбитр (Буюк Британия):



— Ўзбекистон Президентининг «Тезкор-қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қизиқиш билан ўқидим. Хужжат суд фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган.

Хусусан, Фармонда тергов ҳаракатларининг ҳолислигини ошириш билан бирга, инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Фармонга мувофиқ жиноят ишлари бўйича тергов олиб бориш билан шуғулланувчи тергов судьялари лавозими жорий этилди. Бундай лавозим, асосан, фуқаролик ҳуқуқи мамлакатларида мавжуд бўлиб, кўп йиллардан бери қўлланилмоқда.



**Сумейтан ТАНДОН,** «Legal Consultant» адвокатлик компанияси адвокати (Хиндистон):

— Ўзбекистонда «Инсон шаъни ва кадр-қиммати йўлида» тамойили асосида инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш борасида фаол ишлар олиб борилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар шахс, суд ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қаратилган муштақамлашга қаратилган аҳолининг мазкур тизимга ишончини мустақамлашга хизмат қиляпти. Давлат раҳбарининг Фармони суд-ҳуқуқ тизими самарадорлигини ошириш, судгача бўлган иш юриштида тенгликни таъминлаш ва тергов ҳаракатлари давомида ҳуқуқларни ишончли ҳимоялашга қаратилган. 2025 йил 1 январдан бошлаб жиноят ишлари бўйича судгача бўлган босқичда процессуал санкцияларни кўриб чиқиш учун туман ва шаҳар судларида тергов судьялари лавозимини жорий этиш асосий чора-тадбирлардан бири ҳисобланади. Мазкур судьяларга маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни ва турли жиноят ишларини кўриш ваколати берилмоқда. Уларнинг асосий вазифалари ижтимоий адолатни сақлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат бўлади. Шунингдек, уларнинг фаолияти муштарак ва қатъий қонуний бўлиб, минтақада суд-ҳуқуқ изоҳотлари учун муҳим намуна вазифасини ўтайди.



**Матий ЗУПАН,** «Минтакавий мулоқот» дастури директори, ҳуқуқшунос (Словения):

— Ўзбекистон жиноий судлов тизимига тергов судьяси лавозимининг жорий этилгани, албатта, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ижобий қадам, дейиш мумкин. Ҳужжатнинг шубҳасизлигини боғ хорижий тажрибасини ўрганиб, Ўзбекистон ўз судларида тергов судьяси тизимини жорий этишда ўзига хос йўл ва мувозанатни топади.

**Низаметтин ОЙДИН,** Кутахя Думлупинар университети доценти (Туркия):



— Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ички ишларида, халқаро муносабатларида қўллаб ўзгартирилган амалга оширилди. Бу жараёнда мамлакат инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасида ҳам, бошқа давлатлар билан муносабатларда ҳам, ички ишларида ҳам салмоқли ютуқларга эришди. Фуқароларга ҳуқуқий кафолатлар бериш катта фойда келтиради. Хусусан, бошқа давлатлар билан алоқа ўрнатилганда. Ўзбекистон томонидан қабул қилинган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни баҳолаган ҳолда айтишим мумкинки, мамлакат инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида катта ютуқларга эришди.

# Элчи Юй Цзюнь: Хитой ва Ўзбекистон миллий маданиятни тарғиб қилишни қўллаб-қувватлайди ҳамда цивилизациялараро алмашинувни фаол ривожлантиради



Хитой ҳам, Ўзбекистон ҳам қадимий ва улғувор цивилизациялар борислари ҳисобланади. Буюк Ипак йўли халқларимиз ўртасидаги икки минг йиллик дўстликнинг гувоҳи бўлиб келмоқда. Хитой ва Ўзбекистоннинг ривожланиш концепциялари ўхшаш ва яқин маданий алоқаларга эга. Иккала томон ҳам цивилизацияларини ҳимоя қилиш ва ривожлантиришга катта эътибор қаратади, миллий маданиятни тарғиб этиш тарафдори ва цивилизациялараро алмашинувни фаол ривожлантиришга ёрдам беради.

«Ўзбекистон — 2030» стратегиясида ўзбек халқининг миллий қадриятлари ва маънавий меросини асраб-авайлаш, кенг тарғиб қилиш ҳамда ривожлантириш мақсадида маънавий-маданий соҳада изоҳотлар ўтказиш вазифалари аниқ кўрсатилган.

Ўзбекистон Хитойнинг Глобал цивилизация ташаббусини қатъий қўллаб-қувватлайди. Эътиборлиси, Ўзбекистон Хитой таклифига биноан «Халқаро цивилизациялар ўртасидаги мулоқот кўни» резолюциясини ишлаб чиқишда асосий гуруҳ аъзоси сифатида фаол иштирок этди ва резолюциянинг қабул қилинишига муҳим ҳисса қўшди.

Сўнгги йилларда давлатларимиз етакчилари дипломатияси раҳнамолигида Хитой — Ўзбекистон муносабатлари янги даврда ҳар томонлама кенг қамровли стратегик шерикликнинг тарихий босқичига кўтарилди. Ва икки давлат ўртасидаги гуманитар алмашинувларни янада чуқурлаштириш вақти келиди.

Хитой Ўзбекистон билан биргаликда ўшбу резолюцияни амалга ошириш, бой тарихий ва маданий ресурсларимиздан тўлиқ фойдаланиш, маданий алмашинувларни кенгайтириш, археология ва тарихий обидаларни тиклаш соҳасидаги

ҳамкорликни чуқурлаштириш, теле-трансляция соҳасида ҳамкорликни кучайтиришга, теле ва кинофильмлар, адабий асарларни тарғима қилиш, туризм соҳасидаги ҳамкорликни мустақамлаш ва одамларнинг ҳаракатига кўмаклашишга тайёр. Шундан бизнинг гўзал маданиятимиз халқлар ўртасидаги мулоқот кўприғига айланади, шунда Хитой ва Ўзбекистон ўртасида умий ҳамжамиятни яратиш янги ва юқори даражага кўтарилади.

— **Жаноб элчи, ўтган 10 кун ичида БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон ташаббуси билан иккита резолюцияни қабул қилди ва БМТнинг асосий органларида республика вакиллари сайланди. Ўшбу муҳим воқеалар ҳақидаги фикрингиз ҳам биз учун қизиқ.**

— Сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мамлакат миллий воқеликка мос равишда ўз тараққиёт йўлини танабл ва янги Ўзбекистон ишончли сурьатлар билан барпо этаётир. Биз унинг янги қиёфасини, аҳоли турмуш тарзининг сезиларли даражада ошганини кўряптим.

Ўзбекистон очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат юритмоқда, турли мамлакатлар билан дўстона муносабатларни кенг ривожлантиряпти, чинакам кўп қирраликка содиқдир. Республика БМТ, ШХТ, «Хитой — Марказий Осиё» формати каби кўп томонлама тузилмаларда ҳам муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон, шунингдек, миллий ривожланиш стратегиясини «Бир макон, бир йўл» ташаббуси, БМТнинг барқарор ривожланиш кун тартибига мувофиқлаштиришга фаол қўмаклашмоқда, Марказий Осиёда яхши қўшничиликни сақлаш, тинчлик ва барқарорликни таъминлашга беқийс ҳисса қўшмоқда.

Ўтган икки ҳафта давомида БМТ

Инсон ҳуқуқлари кўмитаси, ХМТ Маъмурий кенгаши ва БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашига Ўзбекистон вакиллари сайланди.

Бундан ташқари, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан «Марказий Осиё давлатларининг гиёҳвандлик билан боғлиқ муаммоларни самарали ҳал этиш ва бартафат этиш учун ягона фронт бўлиб ҳаракатланиш ва ҳамкорлик қилишга тайёрлиги» резолюцияси бир овоздан қабул қилинди. Ўзбекистон БМТ доирасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш бўйича янги ташаббусларни ҳам фаол илгари сурмоқда.

Мазкур ютуқлар Ўзбекистоннинг халқаро мавқеи сезиларли даражада юксалиб бораётганидан далолат беради. Мамлакат глобал бошқарувда фаол иштирок этиш, умуминсоний қадриятларга қатъий амин қилган ҳолда нафақат ўз тараққиётига эътибор қаратаётганини, балки тинчлик-осойишталик ва бутун инсоният умумий тараққиётини таъминлашга интиляётганини намоён этмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: «Бугунги Ўзбекистон — кечаги Ўзбекистон эмас». Хитой қўшни ва ҳамкор сифатида мамлакатнинг турли соҳаларда эришяётган ютуқларидан чин дилдан қувонади. Ишончим комилки, Президентининг раҳнамолигида «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белгиланган мақсадларга, албатта, эришилади, мамлакатнинг кудрати ва таъсири янада юксалади.

Хитой Ўзбекистон билан биргаликда умумий ҳамжамиятни барпо этиш, глобал тараққиёт, глобал хавфсизлик ва глобал цивилизация ташаббусларини фаол амалга ошириш, дунё тинчлигига кўпроқ ҳисса қўшиш ва глобал тараққиёт учун кўпроқ имкониятлар яратиш учун ҳамкорлик қилишга тайёр.

«Дунё» АА.

# Муносабатларимиз тенглик, дўстлик, ҳамжиҳатлик тамойиллари асосида қурилган



Шу маънода, мазкур ташриф икки давлат ва миллат ўртасидаги иқтисодий, савдо ва маданий-техникавий алоқаларини янада мустақамлашда муҳим ўрин тутаети, десак, мунолага бўлмайд.

Маълумки, ҳозирги пайтда мамлакатларимиз ҳамкорлик қўламини савдо, сармоя, экспорт-импорт, ёқилғи-энергетика, кимё, транспорт ва логистика, автомобилсозлик, тоғ-кон саноати, энгил саноат, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, тиббиёт, туризм, фан-таълим ва маданият каби қўллаб соҳаларни қамраб олган бўлиб, буни бундан-да жадаллаштириш айтиш мумкин.

Икки мамлакат раҳбарлари ўртасида бўлиб ўтган олий даражадаги музокарада Ўзбекистон — Жанубий Корея дўстлик ва алоҳида стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантиришни долзарб масалалари кўриб чиқилди, бу томонлар манфаатлари бирдек ҳизмат қилад.

Шу билан бирга, савдо, инновациялар ва технологиялар алмашинуви, энергетика, электроника ва электротехника, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги, инфратузилмавий ривожланиш ҳамда бошқа устувор йўналишларда амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари эътибор марказида бўлади ва таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва туризм соҳаларидаги қўшма дастурлар муҳофама қилиниб олинди.

Минтакавий, шу жумладан, «Марказий Осиё — Корея Республикаси» форматидаги ҳамкорлик юзасидан фикр алмашилди.

Музокаралар якунлари бўйича имзоланажак ҳужжатлар ва идоралараро бир қатор ҳужжатлар мамлакатларимиз истиқболли учун муҳим аҳамият касб этади ва тез фурсатда ўз амалий натижаларини беради, деб ўйлаймиз.

Қолаверса, Ўзбекистон ва Жанубий Корея Президентлари қўша бизнес-форумда иштирок этиши кўзда тутилган бўлиб, ўшбу тадбир мамлакатимиз бизнес салохиятини ошириш, тадбиркорлар учун янада кенг имкониятларни яратишда ўзига хос платформа вазифасини ўтайди.

Умуман, мазкур ташрифдан кўп нарсалар кутилмоқда. Асосийси, у икки давлат ва миллат ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустақамлаш баробарида ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга олиб чиқарди.

**Махмуджон ПАРПИЕВ,** Олий Махлис Сенатининг Ахборот сийасати ва давлат органларида очқиқликни таъминлаш масалалари кўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор.

## Ўзбекистон ва Жанубий Корея:

# СИЁСИЙ ШАРТЛАРДАН ХОЛИ ҲАМКОРЛИК



Мамлакатимизда олиб борилаётган изоҳотлар замирида халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак, деган эзгу гоя муқассам бўлса, Корея Республикасида ҳам давлатнинг ҳақиқий эгаси халқдир, деган гоя устувор. Ўшбу мамлакатнинг Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этган инвестициялари ҳажми 7 млрд. доллардан ошди. Юртимизда Жанубий Корея капиталли иштирокида юзлаб корхоналар фаолият юритмоқда. Улар нефть-газ, нефть-кимё, машинасозлик, электротехника ҳамда тўқимачилик соҳаларида, ахборот-коммуникация технологиялари, транспорт ва логистика, туризм йўналишларида муваффақиятли иш олиб бормоқда. Энергетика соҳасидаги алоқалар ҳам жадал ривожланмоқда. 2016 йил Жанубий Корея билан ҳамкорликда Устувор газ-кимё мажмуаси барпо этилди. Мамлакатларимизнинг савдо-иқтисодий ҳамда сарможий ҳамкорлигининг ёрқин намунаси бўлган ўшбу йирик лойиҳага 4 млрд. доллар ишқоридида маблаг йўналтирилган.

Жанубий Корея Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш ва уларни ривожлантиришга кўмаклашаётир. «Навоий» эркин иқтисодий зонасида Жанубий Корея иштирокида қўллаб қорхоналар фаолият юритмоқда. Хусусан, «СНР Dream» компанияси билан ҳамкорликда косметика маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган завод қурилди. Ўшбу маҳсулотлар Марказий Осиё мамлакатларига экспорт қилинаётир.

Шунингдек, Корея Республикаси Халқаро ҳамкорлик агентлиги ҳамда Экспорт-импорт банки мамлакатимизда қатор лойиҳаларни амалга оширяпти. «Samsung» «Atel» компанияси билан маиший техника воситалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Умуман, Ўзбекистонга инвестиция киритган энг йирик компаниялар — «Корея миллий нефть корпорацияси» (KNOC), «Корея газ корпорацияси» (KoGas), «Daewoo International», «Korean Air», «Shindong Engercom», «Haintex» ва «LG» ҳисобланади. «Корея миллий нефть корпорацияси» Фарғона водийсида янги нефть конларини қидириб топиш лойиҳаларини амалга ошириш устида иш олиб бормоқда.

Корея Республикаси мамлакатимизга рақамли ва «ашил» технологияларни келтиришда асосий ҳамкорлардан бири бўлиб келмоқда. Икки давлат ўртасида маданият соҳасида алоқалар ҳам изчиллик билан давом этилмоқда. 2014 йилда Тошкентдаги Дўстлик боғи худудининг бир қисмида Сеул боғи ташкил этилди. 2019 йил апрель ойида Тошкентда Корея маданияти ва санъати уйи фаолиятини бошлади. Тошкент кўчаларидан бири «Сеул» деб номланди. 2018 йил октябр ойида Сеулда «Ўзбекистон маданияти ҳафталиги» ташкил этилди. 2019 йил март ойида «Жанубий Корея — Марказий Осиё» ҳамкорлик форуми қотибияти томонидан «Сеулда Наврўз» халқаро фестивали ташкил этилди.

Бугунги кунда ҳамкорликнинг янги йўналиши сифатида ташқи савдо ай-

лардан бири. Олий, касб-хунар ва мактабгача таълим, соғлиқни сақлаш, маданий мерос объектларини рақамлаштириш ва реставрация қилиш борасида ҳамкорлик юқори босқичда.

Бундан ташқари, икки давлат ҳамжиҳатлигининг янги йўналиши сифатида юқори технологик соҳалар, жумладан, энергетика, нефть-газ, кимё ва нефть-кимё, фармацевтика, қайта ишлаш саноати, қишлоқ хўжалиги, инфратузилмани модернизация қилиш, транспорт ва логистика, туризм ва қўллаб бошқа тармоқларда жами қиймати 3,4 млрд. АҚШ долларидан зиёд бўлган 55 та янги лойиҳа амалга оширилляпти.

Маданий-гуманитар ҳамкорлик йўналишида ҳам қатор ютуқларга эришилган. Хусусан, таълим соҳасида Тошкентда 1992 йилдан бошлаб Корея таълим маркази фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўзбекистоннинг 7 та олий таълим муассасасида ҳамда 48 та мактаб ва лицейида корей тили ўргатилади. Ўзбекистонда Инха, Пучон, Ёжу университетлари филиаллари ҳамда Фарғонада Корея халқаро университети фаолият юритиб келади. 2021 йил 1 февралда эса Ажду университетининг филиали очилди.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги шериклик доирасида хозирга қадар республикамизнинг 400 дан ортиқ тиббиёт мутахассислари Жанубий Кореянинг етакчи клиника ва марказларида малакасини оширди. 2019 йил апрель ойида соғлиқни сақлаш соҳасида Ўзбекистон — Корея ҳамкорлик маркази ташкил этилди. 2020 йил май ойида «EDCF» фонди қўмағида Тошкентда Болалар кўп тармоқли миллий тиббиёт маркази қурилиши якунланди.

Икки давлат ўртасида маданият соҳасида алоқалар ҳам изчиллик билан давом этилмоқда. 2014 йилда Тошкентдаги Дўстлик боғи худудининг бир қисмида Сеул боғи ташкил этилди. 2019 йил март ойида «Жанубий Корея — Марказий Осиё» ҳамкорлик форуми қотибияти томонидан «Сеулда Наврўз» халқаро фестивали ташкил этилди.

Бугунги кунда ҳамкорликнинг янги йўналиши сифатида ташқи савдо ай-

ланмасининг номунаносиблигини тенглаштириш ҳамда экспорт-импорт операциялари номнелатурасини диверсификация қилиш мақсадида икки давлат ўртасида Эркин савдо тўғрисида битим имзоланиши бўйича музокаралар олиб боришмоқда.

Айтиш жоизки, бу битим — халқаро интеграциянинг бир тури бўлиб, халқаро шартномага мувофиқ иштирокчи давлатлар ўртасида ўзаро савдода боғхона тўловлари, солиқлар, йиғимлар, шунингдек, микродорй чекловлар бекор қилинади.

Иқлим ўзгаришига қарши курашиш, «яшил» иқтисодиёт, углерод нейтраллигини таъминлаш, соғлиқни сақлаш ва рақамлаштириш соҳаларида ўзаро муносабатларимиз беқийс аҳамият касб этган. Айниқса, иқлим муаммоларига қарши курашиш йўналишида Ўзбекистон томони «яшил» кун тартибининг илгари суриш ва иқлим ўзгариши жараёнларини жиловлаш бўйича халқаро савдо-иқтисодий Корея Республикаси билан фаол ҳамкор. Рақамлаштириш соҳасида тажриба алмашиш ва инновацияни ишланмаларни алмашиш учун экспертлар ва IT мутахассислари учун доимий платформа яратиш устида ишлар олиб бориляпти.

Авёни, Ўзбекистон кучли демократик, илгор ривожланган давлатлар сифидан мустақам ўрин эгаллашши мақсад қилган. Дунёнинг ривожланган 50 мамлакат каторига кириш бош вазифа. Бу борадаги изоҳотлар эса халқимизга муносиб шароит яратиб бериш мақсадида амалга оширилляпти. Бунда Жанубий Кореянинг тажрибаларидан фойдаланиш мақсадаги мувофиқ. Унинг электрон ҳукумат, хавфсиз ва «ақли шаҳар» яратиш, олий таълим, мактабгача таълим соҳаларидаги ютуқлари беқийс.

Эътиборлиси, кейинги йилларда Ўзбекистоннинг шундан оидмалари халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда. Ваҳоланки, республикамизга яқин-яқингача, аксарият тахлилчилар томонидан жаҳоннинг «ёпиқ» давлатларидан бири сифатида қўёс бериб келинган. Бу неқибн кунда халқаро миқёсда катта акс садо берди. Бу, албатта, юртимизда қисқа вақт давомида оқилна йўлга қўйилган ички ва ташқи сиёсатнинг амалий фойдасидир, десак, айтиш ҳақиқат. Минтақада энг кўп аҳолига эга мамлакат иқтисодиётини либераллаштириш, четдан



кўпроқ сармоя жалб этиш саъй-ҳаракатлари узлуқсиз олиб бориляпти. Бунда коррупцияга қарши кураш Ўзбекистон иқтисодиётини тараққий топтиришда муҳим ўрин тутаети.

Кўпчиликка яхши маълум, ўшбу иллатга қарши курашда, унга барҳам беришда рақамлаштириш зарурияти янада ошад.

Бу, ўз навбатида, жуда кўп ресурсларни талаб қилад.

Шундай экан, хозирдан рақамли иқтисодиётга ўтиш муҳим вазифага айланади. Бу соҳада ҳам Жанубий Корея тажрибасидан ўрганишга арзирли жиҳатлар кўп. Рақамли иқтисодиёт инсонларсиз бошқарув тизимини йўлга қўйиш орқали коррупцияни камайтиради, солиқ тўшумларини «ақлли» шартномалар тузиш орқали қўлайтиради, бюджет харажатларининг очқиқлигини оширади, ягона электрон платформа орқали давлат хизматларини кўрсатиш имкониятини беради.

Рақамли иқтисодиёт — электрал маданиятнинг юксалиши ҳамдир. У тараққий этса, бу орқали вақтдан ютаמים, ортиқча меҳнатдан халос бўлаמים, сифат кўрсаткичига эга чиқамиз, жумладан, камбағаллик ҳам камайд.

Рақамли иқтисодиёт — коррупция ва «яширин иқтисодиёт» илдиизига болта урувчи восита. Чунки рақам-

лар ҳамма нарсани муҳрлайди, хотирада сақлайди, керак пайтда маълумотларни тез тақдим этади. Бундай шароитда бирон маълумотни яшириш, яширин битимлар тузиш, у ёки бу фаолият ҳақида тўлиқ ахборот бермаслиқнинг илочи йўқ, компютер ҳаммасини намоён қилад.

Кўплаб ривожланган мамлакатлар иқтисодиётини рақамлаштириш томон жадал ҳаракат бошлаган. АҚШ, Япония, Жанубий Корея ҳамда Хитой бугунги кунда рақамли пойгада норасмий етакчилар саналади.

«Жанубий Корея «ақли шаҳар» йўналишида ҳам етакчи ҳисобланади. «Ақли шаҳар»да рақамлар билан ишлаш жуда муҳим. Шунинг учун ҳам транспорт тармоғини рақамлаштириш, тиббиёт ва таълим соҳаларидаги маълумотлар электрон шаклда бўлиши керак. Бошқаришда ҳам маълумотларнинг электрон шаклда бўлиши уларни тез таҳлил қилиш ва қарор чиқаришга ёрдам беради. Ана шу маълумотларнинг йўқлиги хозирги кунда бизда «ақли шаҳар» технологияларини қўллашга тўсқинлик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида «Ақли шаҳар» технологияларини жорий этиш концепцияси 2019 — 2030 йилларда 4 босқичда амалга оширилди. Концепцияда, ҳатто маҳалла ҳам қўшилган. Маҳаллалари ҳам рақамлаштиришимиз кераки, ҳар бир компюент рақамлашмас, шаҳарни «ақли» қилиш қийин. «Ақли шаҳар» концепциясини амалга оширишда шаҳар хизматлари ва давлат органлари билан ҳамкорликда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали аҳолининг фаоллигини ошириш, сув ва энергия ресурслари сарфини камайтириш, транспорт инфратузилмаси тирбандлигини бартафат этиш, аҳоли яшатиш учун қўлай шароитлар яратиш йўлида бир қатар ижобий натижаларга эришиш кутилмоқда.

**Тўлқин ТИШАБОВЕВ,** Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

## Ишчи гуруҳ йиғилишида

## Ўсмирлар ва ёшлар руҳий саломатлиги таҳлилдан ўтказилди

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси ҳузурида ташкил этилган Ўзбекистон Республикасида ўсмирлар ва ёшлар руҳий саломатлигини профилактика қилиш ва мустаҳкамлаш масалалари бўйича идоралараро ишчи гуруҳ йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда ўсмирлар ва ёшлар руҳий саломатлиги билан боғлиқ бир қатор долзарб масалалар муҳокама қилинди. Дастлаб махсус ижтимоий-эмоционал ўқув соатларини (SEL) умумтаълим мактабларида йўлга қўйиш бўйича олиб борилаётган ишлар кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Президентимизнинг 2023 йил 19 июндаги қарори ва 2024 йил 6 майдаги Фармонида ўқувчиларда ўзини ўзи бошқариш, мураккаб ҳаётий вазиятларни енгиб ўтиш кўникмаларини шакллантириш, депрессия, хавотирли ҳолатлар ва суицидларнинг олдини олиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Шундан келиб чиқиб, йиғилишда мазкур вазифалар ижроси доирасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги масъулларининг ахбороти эшитилди.

Муҳокама жараёнида Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий-эмоционал тренинг ўтказиш бўйича тренерлар учун услубий қўлланма тақдими ҳам бўлиб ўтди.

Йиғилишда яна бир долзарб масала, яъни ўсмирлар ва ёшлар ўртасида гиёҳвандлик ва психотроп моддалар истеъмолининг олдини олиш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳолати ҳам аниқлаштирилди.

Сўнгги уч йил мобайнида мазкур йўналишда 25 мингга яқин жиноят ишлари қўзғатилиб, 17 мингдан зиёд шахслар жиноий жавобгарликка тортилган, шундан 5 мингга яқини 30 ёшгача бўлган навқирон авлод эканлиги ташвишланди.

Таҳлилларга кўра наркотиноят содир этган ёшлар сони йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Хусусан, 2021 йилда бундай жиноятлар содир қилганларнинг 23 фоизини ёшлар ташкил этган бўлса, 2022 йилда 24,6 фоизга, 2023 йилда эса 31,2 фоизга етган.

Интернетда психотроп моддалар савдосига ихтисослаштирилган 52 та ахборот ресурси аниқланган — 14 таси веб-сайт, 38 таси телеграм каналлари орқали 120 мингга яқин фойдаланувчилар қамраб олинган.

Йиғилишда ИИВ масъуллари ушбу иллатга қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасида кўрилаётган таъсирчан чоралар ҳамда истиқболдаги режалар ҳақида маълумот бериб ўтди.

Муҳокама жараёнида ишчи гуруҳ аъзолари томонидан гиёҳвандликка қарши курашишга доир қўнчилликни такомиллаштириш, хусусан, ундаги жавобгарлик масаласини қайта кўриб чиқиш зарурлиги қайд этилди ҳамда бу борада тегишли тақлифларни ишлаб чиқишга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

## «Хукумат соати»

## КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИДАГИ «АВВАЛ ТЕСТ, СЎНГ ТАНЛОВ» ТАРТИБИ ҚАНДАЙ ИШЛАЙДИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ташаббуси билан навбатдаги «Хукумат соати» бўлиб ўтди.

Унда депутатлар «Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш тизимини янада такомиллаштириш, шу жумладан, давлат олий ва профессионал таълим муассасаларига кириш учун имтиҳонларни «аввал тест, сўнг танлов» тамойилига мувофиқ ташкил этиш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида»ги масалани муҳокама қилдилар.



«Хукумат соати»да депутатларнинг олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат буюртмаси параметрлари ва олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш учун мақсадли қабул квоталарини шакллантириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар бўйича саволларига Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири Қонгратаб Шарипов ба- тафсил жавоб берди.

тақлифлар Давлат комиссияси- га тасдиқлаш учун тақдим қилинади. Бунда умумий қабул параметрлари олийгоҳлар, йўналишлар, таълим тили, таълим шакли бўйича тасдиқланади. Умумий қабул квоталари бакалавриятга 200 мингдан ортқ бўлиши, шунингдек, ёшларни олий таълим билан қамров даражаси 43 фоиздан ошишини таъминлайди.

Мақсадли қабул квоталари эса ҳудудлар, соҳалар ва тар-

босқичи жорий йил 5 июнь кунидан бошланди ва 25 июнга қадар давом этади. Бунинг учун абитуриентларга фақат тест синовлари ўтказиладиган йўналишларга тест топширадиган фанлар, таълим тили, тест топшириш ҳудудини танлаш, шунингдек, ижодий имтиҳон ўтказиладиган йўналишларга эса бакалаврият таълим йўналиши ва ижодий имтиҳон топшириладиган олийгоҳни танлаш имконияти яратилди.

Рўйхатдан ўтишининг биринчи босқичи якунлангандан сўнг 1 — 25 июль кунлари ижодий имтиҳонлар, 14 — 28 июль кунлари тест синовлари ўтказилиши режалаштирилган.

Мазкур тадбирлар бўйича вазирлик, Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги ҳамда олийгоҳлар томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, абитуриентлар ижодий имтиҳонда тўплаган баллини ўша куннинг ўзида, тестда тўплаган баллини эртасига билиши мумкин бўлади. Ижодий имтиҳон ва тест синовлари тўлиқ якунлангандан сўнг 15 кун давомида рўйхатдан ўтишининг иккинчи босқичида абитуриентлар тест баллиридан келиб чиқиб, 5 тагача олийгоҳ (йўналиш), таълим шаклини, таълим устуворлигини, ижодий имтиҳон ўтказиладиган йўналишлар учун эса қўшимча равишда танланган йўналиш бўйича яна шунча олийгоҳни танлаш ҳуқуқига эга.

Депутатлар бу борада амалга оширилаётган кенг қамровли ишларни ижобий баҳолаган ҳолда, олий таълим йўналишларини мақбуллаштириш, таълим дастурлари (малака талаби, ўқув режа ва ўқув дастурларини) ишлаб чиқиш бўйича қандай ишлар қилинди, деган савол билан вазирга юзланди.

«Халқ сўзи».

## ҚИСКА САТРАЛДА

## Инвестицияларни ўзлаштириш ҳолати қай даражада?

Бош прокуратурада Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдон тартибга солиш масалалари бўйича Хукумат комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Видеоселектор шаклида ўтказилган ушбу йиғилишда хорижий инвестицияларни ўзлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг натижадорлиги кўриб чиқилди.

## Халқаро ихтирочилар форуми

Самарқандда ёшларнинг «STEM» таълими доирасида билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида халқаро ихтирочи ёшлар форуми ташкил этилди. Унда академиклар, эксперт ҳамда олимлар, илм-фан ва технология соҳасининг етуқ намояндлари, ихтирочи талабалар «STEM» таълимига оид мавзуларни муҳокама қилди.



Форум академик ва илмий соҳалардаги етакчи мутахассислар, хусусан, дунёнинг энг нуфузли университетларидаги ёш олимлар билан яқиндан танишиш, фикр алмашиш, келажақда уларнинг Ўзбекистонда жaxon даражасидаги «STEM» таълимини ривожлантиришга хисса қўшиши учун замин яратди.

## Янги сармоявий лойиҳа

Беруний туманида «Лидер Гипс» масъулияти чекланган жамияти томонидан янги инвестиция лойиҳаси ишга туширилмоқда.

Курилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган лойиҳанинг умумий қиймати 25,5 млрд. сўм бўлиб, шундан 1,8 млн. АҚШ доллари хорижий кредит асосида шакллантирилган.

Йилга 2 млн. кв/метр гипсокартон ишлаб чиқариш қувватига эга лойиҳа ишга туширилиши натижасида 18 та янги иш ўрни яратилади. Ундан қўзланган мақсад ички бозорни ҳар хил турдаги арзон ҳамда сифатли қурилиш материаллари билан таъминлашдир.

## Ота-оналар қувончи чексиз

Пешку туманидаги Дейча маҳалласида 120 ўринли мактабгача таълим муассасаси иш бошлади. Унинг қурилиши учун давлатимиз томонидан 3 млрд. 800 млн. сўм сарфланди.



Бундан тўрт йил муқаддам туманда мактабгача таълим ташкилотлари 96 тани ташкил этган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 176 тага етди. Натижада 3 — 7 ёшли болажонларни муассасаларга қамраб олиш даражаси 92 фоизга кўтарилди.

## Рақамли трансформация ва илвор тажриба

Пойтахтимизда бўлиб ўтаётган «Рақамли трансформация ва ўзаро ҳамкорлик» — халқаро ПЛАС-форумда давлат органлари, банк сектори ҳамда бизнес вакиллари иштирок этапти.

Тадбир қатнашчилари икки кунлик қизиқарли мавзуларга оид дастур ҳамда истиқболли ечимлар ва хизмат тақдими доирасида халқаро ва МДХ мамлакатларидаги энг илғор компанияларнинг инновацион ишланмалари, шунингдек, улардан молиявий инсти- туциялар, чакана савдо тармоқларининг фойдаланиш тажрибаси билан бевосита танишиш имконига эга бўлмоқда.

«Халқ сўзи».

## Қонун ижодкорлиги ва таъсирчан парламент назорати

Янги таҳрирдаги Конституциямизда белгиланган инсон қадрини улуғлаш, фуқароларга муносиб турмуш шароити яратиш бош ғояси бугунги кунда изчиллик билан таъбиқ этилмоқда. Айниқса, аҳоли ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонуний манфаатларини кафолатлаш устувор аҳамиятга эга бўлиб, бу борада ҳам аниқ чора-тадбирлар рўйбга чиқарилапти.

## Халқ билан мулоқот

Қуйи палата депутатлари ушбу жараёнда фаол иштирок этиб, ўз электорати — сайловчилар олдидаги бурч ва вазифаларини самарали бажариб келмоқда. Бу бежиз эмас. Чунки демократик ислохотларни рўйбга чиқариш, унинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш, халқнинг қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда аҳоли билан очик мулоқотлар ва унда кўтарилаётган тақлифлар долзарб бўлиб, халқ вакиллари бундан унумли фойдаланаётди.

Қайд этиш керак, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Регламентида мувофиқ, ҳар ойнанинг сўнгги ҳафтасида депутатларнинг сайлов округларида учрашувлари уюштирилаётгани ўзига хос аънаънага айлан- ди. Мазкур амалиёт Президент томонидан ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлашда, бу борадаги ишларни тўғри ташкил қилиш ва натижадорликни кафолатлашда муҳим аҳамият касб этаётди.

Шу маънода, яқинда парламент аъзоларининг ўз сайлов округларида бўлиб, халқ билан очик мулоқотлар ўтказгани, сайловчиларни ўйлантириб келаётган масалаларни ўргангани ва уларни ижобий ҳал этиш чоралари қўрилгани самарали бўлди, дейиш мумкин.

Бинобарин, самимий суҳбатлар чоғида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг бориши, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун- моҳияти ва аҳамияти аҳолига етказилди. «Ўзбекистон — 2030» стратегияси ва уни «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йи- ли»да амалга оширишга оид давлат дасту- ри доирасидаги ишларнинг мазмун-муҳи-

яти кенг жамоатчиликка тушунтирилди. Мамлакатимиз раҳбарининг ҳудудларга таширфлари якунлари бўйича қабул қилин- ган баёнларда ва бошқа ҳужжатларда бел- гиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва си- фатли бажарилиш ҳолати таҳлил этилди. Ҳудудий ва республика дастурларининг бажарилиши ҳамда 2024 йилда ижтимоий инфратузилма объектиларининг ишга туши-рилиши бўйича амалга оширилаётган иш- лар мониторинг қилинди.

Ер участкалари ва уларда қурилган бино- ларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш, ёқилги-энергетика соҳасида бозор ме- ханизмларини жорий қилиш, кўп квартиралӣ уйларда умумий мол-мулкни сақлаш ва ун- дан фойдаланишга доир чора-тадбирларнинг аҳамияти аҳолига аниқ мисоллар орқали тушунтирилди.

Аёники, қабул қилинаётган қонун лойиҳа- ларининг пишшиқ, пухта, мукамал бўлиши депутатларнинг жойларда қонунларнинг иж- росини, одамларнинг унга муносабати ва нуқтани назарини яқиндан ўрганшига бево- сита боғлиқ. Бу мавзуд кўнунлардаги бўшлиқларни аниқлаш ҳамда уларни маро- мига етказишга хизмат қиладиган асосли тақлиф ва ташаббусларни ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда яқинда қуйи палатада қабул қилинган қишлоқ ҳўжалиғига мўлжалланган ерларни иккиламчи ижарага бериш ва улар- дан самарали фойдаланиш тартибини тако- миллаштиришга қаратилган қонун лойиҳа- сини мисол сифатида келтириш мумкин. Мазкур қонун лойиҳасидаги муҳим норма- лар депутатларнинг ҳудудларга чиққан ҳолда, фермер ҳўжаликлари мисолида назорат-таҳ- лил тартибидеа ўрганшига орқали кири-

тилган эътиборга молик. Яъни янгиланган нормаларга кўра, асосий экинларнинг ри- вожланишига салбий таъсири бўлмаган хол- ларда боғлар ва тоқзорларнинг қатор ора- ларига даромад келтириши мумкин бўлган мақбул экинлар экилишини таъминлаш на- зарда тутилган деҳқонларимизга қулайлик туғдириш баробарида, уларга имкониятлар тақдим этади.

Аҳоли билан учрашувлар доирасидаги бу галги тадбирларда ҳам қуйи палатанинг кўриб чиқишида бўлган қонун лойиҳалари бўйича сиёсий партиялар, жумладан, улар- нинг қуйи тузилмаларидан тақлиф ва ҳулоса- лар олиш, шунингдек, ҳудудларда сиёсий партиялар билан биргаликда айрим қонун лойиҳалари бўйича жамоатчилик муҳокама- ларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Халқ қабулхоналари билан ҳамкорликда фуқароларнинг сайёр қабули уюштирилгани диққатга сазовор. Уларда аҳоли томонидан кўтарилаётган муаммоларни маҳаллий ижро ҳокимияти органлари билан биргаликда жойида ҳал этиш чоралари кўрилди. Қабул- ларга ҳудудлардан Қонунчилик палатасига мурожаат йўллаган фуқаролар тақлиф эти- либ, уларни қийнаб келаётган масалалар ҳам жойида кўриб чиқилди.

Маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳам партиявийлигидан келиб чиқиб, жойлардаги мулоқотларга жалб қилинди. Маҳаллий Кен- гашлар депутатларининг сайлов округларида аҳоли томонидан кўтарилаётган масала- ларни ҳал этишдаги ролини оширишга ҳамда уларнинг «маҳалла еттичилиги» билан ҳамкор- лигини янада яхшилашга кўмаклашилди.

Олий таълим муассасаларида ўтказилган учрашувлар ҳамда талабалар билан кечган юзма-юз мулоқотлар давомида таълим со- ҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатларининг мазмун-моҳияти тушунтирилди.

Шу ўринда рақамларга тўхталадиган бўлсак, бу галги учрашувларда депутатлар- нинг маҳаллий ижро органлари билан бир- галикда қўрган чора-тадбирлари натижаси- да аҳоли томонидан кўтарилган 82 та маса-

«Халқ сўзи».

Бандлик

«Мурожаатдан – даромадга» лойиҳаси доирасида 115 нафар хотин-қиз ишли бўлди

Президент Халқ қабулхонасининг «Мурожаатдан – даромадга» лойиҳаси Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида катта фестивалга айланди. Эрта тондан туман марказида ўтказилган «Соғлом ҳаёт учун 5000 қадам» юриш марафони Ёшлар боғидаги турли кўргазмалару китобхонлик анжуманига, ёш рақомлар учун маҳорат дарслари ҳарбий-ватанпарварлик дастурларига, спорт мусобақалари ва аҳоли даромадини ошириш йўлидаги эзгу амалларга улашиб кетди.



Буларнинг барчаси ўзаро уйғунликда вилоятни камбағаллик, ишсизлик ва жиноятдан холи ҳудудга айлатириш борасидаги Бухоро тажрибасини яратишга хизмат қилди. Бу жараёнда Президент маслаҳатчиси ўринбосари — Халқ қабулхонаси раҳбари Улуғбек Мухаммадиев бошчилигидаги Республика ишчи гуруҳи томонидан моддий ёрдам масаласида мурожаат қилган шофирконлик 115 нафар хотин-қизга сектор раҳбарлари билан бирга субсидия ҳисобидан ўн турга яқин иш анжомлари топширилди. Тикув машиналари, сунт, гўшт ва сабзавотларни қайта ишлаш ускуналари олиб берилган ҳар бир мурожаатчи ўз ҳудудида шу йўналишдаги лидер тадбиркорларга бириктирилди. Бу эса аҳоли даромадини ошириш, бу борадаги мурожаатларга самарали ечим топишни яна бир ҳалқлик механизмидир. Масалан, Қалмақон маҳалласида яшовчи тадбиркор Ойниса Шарипова ҳам бугун Моҳира Икромова каби субсидияга ускуна олиб иш бошлаган тўрт нафар маҳалладоши билан кооперация ташкил қилди. Тўрт аёл ўз уйда ярим-тайёр озиқ-овқат маҳсулот-

лари ишлаб чиқарса, тадбиркор уларни сотиб олиб истеъмолчиларга етказиб беради. Бундан барча бирдек манфаатдор. Ёки Денов маҳалласида яшовчи Нодира Каримова ҳам маҳалласидаги тадбиркор билан бириктириб, субсидияга олинган сепараторда сутни қайта ишлаб, қаймоқ, сарийё олишни бошлади. Бу билан оила бюджетига учун яна бир даромад манбаи яратилди. Туман марказидаги Ёшлар боғи анчагина гавжум бўлди. Меҳнат ярмаркалари, касб-хунар ўрганиши, олий таълим, соғлом овқатланиш каби йўналишлардаги кўргазмаларда аҳолининг барча қатлами, айниқса, ишсиз хотин-қизлар меҳнат қилиб жамиятнинг фаол аъзосига айланиши учун кенг миқёсда маълумотлар, маслаҳат ва кўмак олиш имконига эга бўлди. Бухоро шаҳридан келган тажрибали шифокорлар 470 дан зиёд фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказди.

«Бухоро тажрибаси — сандокат намунаси» тамойили асосида бундай тадбирлар вилоятнинг бошқа ҳудудларида ҳам ташкил этиляпти.

«Халқ сўзи».

РЕКЛАМА

«O‘zmilliybank» AJ O‘zbekistonda ilk bor yuridik shaxslar uchun masofaviy hisob raqamini ochish xizmatini taklif etadi

«O‘zmilliybank» AJ mamlakatimizda birinchilar qatorida yuridik shaxslar uchun bank amaliyotlariga yondashuvni butunlay o‘zgartiruvchi innovatsion xizmatni taqdim etadi. Endilikda korxonaga va tashkilotlar masofadan turib, bank xodimi bilan hech qanday uchrashuv o‘tkazmasdan joriy hisob raqamini ochishi mumkin. Buning uchun bankning «Milliy» mobil ilovasini yuklab olish va ro‘yxatdan o‘tish kifoyati! Ushbu xizmatning asosiy afzalliklari: Samaradorlik: online tarzda hisob ochish orqali vaqtningizni tejang. Qulaylik: oqog‘ozbozlikni unuting. Xavfsizlik: barcha ma‘lumotlar himoyalangan. «Milliy» mobil ilovasini yuklab oling va hoziroq onlayn ro‘yxatdan o‘ting! Batafsil ma‘lumot uchun 1344 raqamiga qo‘ng‘iroq qiling.



адабиётга ошувта бўлган аждодлар хотираси ва меросига юксак эҳтиром кўрсатиб келмокда, — дейди Озарбайжон Ёзувчилар уюшмасининг халқаро алоқалар ва таржима масалалари бўйича котиби Салим Бобулла ўғли. — Хусусан, 2008 йилда Боку шаҳрида улуг мутафаккир Алишер Навоий ҳайкали ўрнатилган. Бокунинг марказий кўчаларидан бирига фалакиёт илмининг буюк намояندаси Мирзо Улуғбек номи берилган. Ўзбекистонда ҳам Озарбайжон халқининг буюк маданий меросига ҳурмат-эҳтиром гоят баландлигига гувоҳимиз. Тошкентнинг сўлим масканларида бирида улуг мутафаккир Низомий Ганжавий ҳайкали ўрнатилган. Кўплаб кўча ва хиёбонлар, маданий-маърифий муассасалар Озарбайжон халқининг буюк фарзандлари номи билан аталади. Хусусан, Тошкентдаги кўчалардан бирига озар халқининг умумийлиги лидери Ҳайдар Алиевнинг номи берилган. Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган Озарбайжон маданият маркази биноси олдида буюк давлат ва сиёсат арбобиға ёдгорлик ўрнатилган. Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан «Туркий адабиёт дурдоналари» мажмуаси нашр этилиб, унда Озарбайжон адабиётига 16 жилд ажратилгани, жумладан, Фузулий ижодиға муносиб ўрин берилгани бизга фахр-ифтихор бағишлайди. Қадим-қадимдан шеърятга,

ўртасидаги яқинликни ўзида ифода қилади. — Ўзбек ва озарбайжон халқларининг маданияти умуминсоний қадриятларга таянади: инсонпарварлик, адолат, анъаналарга садоқат, бағрикенглик, тараққиёт ва фаровонликка интилиш. Менталитетларимиз ҳам ўхшаш. Ойладаги муносабат, онага, Ватанга муҳаббат, жамият олдида қарздорлик ҳисси бир хил, — дейди Озарбайжон маданият вазири ўринбосари Фарид Жаъфаров. — Уйлашимча, келажак авлод фаровонлиги йўлида икки томонлама муносабатларни янада мустақамлаш ва кенгайтиришимиз керак. Халқларимиз бир-бири ҳақида кўпроқ нарса билишлари учун қўлимиздан келганини қиламиз. Буни асосий вазифа сифатида қўриб, бу хайрли иш йўлида бор кучимизни берамиз.

«Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида ўтказилган концерт дастурида ҳам айни жиҳат яна бир бор намоян бўлди. Унда йирилганлар бир-биридан гўзал тарзда ижро этилган куй-қўшиқларни тинглаб, рақслари томоша қилиб, катта завқ олди. Ўзбек ва озарбайжон халқларининг тарихи, қадриятлари, моддий ва номоддий мероси ўзаро уйғун эканига яна бир бор амин бўлади.

Дарҳақиқат, халқларимизнинг муштарак ёдгорлиги ҳисобланмиш «Авесто» китоби, шунингдек, халқ озғани ижодининг ўлмас дурдоналари саналган «Гўрўғли», «Ошиқ Ғариб», «Дада Кўркўт» дostonлари азалий қардошлик, дўстлик ва биродарликнинг ёркин исботидир. Ўзбек мусиқасининг гулгоши саналган нодир макомлар ва бетақдор Озарбайжон муғомлари орасидаги ҳамоханлик ҳар икки халқ

Дилшоҳ КАРИМОВ («Халқ сўзи»).

Юртимизда ўтаётган Озарбайжон маданияти кунлари халқларимизни бирлаштириб турган яқинлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик азалий оғуриятларимизга нақадар муштарак эканини яна бир бор кўрсатмокда. Айни пайтда маданий-гуманитар тадбирлар ушбу эзгу қадриятлар абадиликка ишончимизни янада мустақамламокда.

Дарҳақиқат, халқларимизнинг муштарак ёдгорлиги ҳисобланмиш «Авесто» китоби, шунингдек, халқ озғани ижодининг ўлмас дурдоналари саналган «Гўрўғли», «Ошиқ Ғариб», «Дада Кўркўт» дostonлари азалий қардошлик, дўстлик ва биродарликнинг ёркин исботидир. Ўзбек мусиқасининг гулгоши саналган нодир макомлар ва бетақдор Озарбайжон муғомлари орасидаги ҳамоханлик ҳар икки халқ

БОЛАЛИКНИНГ БАХТЛИ ОНЛАРИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган «Нихол» болалар соғломлаштириш оромгоҳида 12 июнь — Бутунжаҳон болалар меҳнатига қарши кураш кунига бағишланган тадбир ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, Камбағалликни қисқарттириш ва бандлик вазирилик, Ўзбекистон иш берувчилари конфедерацияси ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти вакиллари иштирок этди.

Тадбир

Байрамона руҳда ўтказилган мазкур акциядан кўзланган мақсад — аҳолининг, шу жумладан, ёш авлод вакиллари билан Ўзбекистонда болалар меҳнатига йўл қўймаслик масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигидан хабардорлик даражасини янада ошириш, шунингдек, худди шу мақсадда олиб борилаётган тизимли саъй-ҳаракатларни кенг жамоатчиликка, жаҳон ҳамжамиятига етказишдир.

Тадбир доирасида Касаба уюшмалари Федерацияси мутахассислари томонидан турли ёшдаги болажонларга мазкур санининг мазмун-моҳияти интерфаол усуллар орқали тушунтириб берилди. Хусусан, иштирокчиларга мамлакатимизда бола ҳуқуқларининг таъминланганлиги тўғрисидаги тақдирот ва роликлар ёрдамида батафсил маълумот берилиб, мавзуга оид таллов ва виқториналар ташкил қилинди.

Қайд этиб ўтиш жоизки, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) ташаббусига кўра ҳар йили 12 июнь Бутунжаҳон болалар меҳнатига қарши кураш кунига бағишланади. Мазкур санага бағишланган тадбирлар бу йил дунё миқёсида «Болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича ўз мажбуриятимизни бажарайлик» шiori остида ўтказилмокда.

Маълумотларга кўра, дунё бўйича 5 дан 17 ёшгача бўлган 160 миллион бола, асосан, қишлоқ ҳўжалиги, хизмат кўрсатиш ва саноатда болалар меҳнати билан банд. Ишлаётган болаларнинг қариб ярми соғлиги, хавфсизлиги ва маънавий ривожланишига хавф туғдирадиган ишларни бажаради.

Ўзбекистонда ўсиб келаётган ёш авлодининг ҳар томонлама баркамол ривожланиши учун барча зарур шарт-шароит яратилган бўлиб, маъна ва жисмонан соғлом авлод тарбияси давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда болалар меҳнатига йўл қўймаслик, бола ҳуқуқларини ҳимоялашни кучли механизмларини янада ривожлантириш, шунингдек, халқаро конвенцияларга мувофиқ миллий қонунчилик базаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини тақомиллаштиришга йўналтирилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Бунинг натижасида Ўзбекистонда болалар меҳнатидан фойдаланиш ҳолатларининг мавжуд эмаслиги ХМТ экспертлари томонидан ҳам дунё миқёсида эътироф этилди. Хусусан, Барқарор ривожланиш мақсадларининг 8.7-мақсади, яъни 2025 йилга бориб болалар меҳнатига барҳам бериш вазифаси муддатидан олдин бажарилган ҳам сонли мамлакатлардан бири — Ўзбекистон бўлиб, юртимизда болалар меҳнатидан тизимли фойдаланилмаётгани ХМТ томонидан 2018 йилдаёқ тан олинди.

Мана шу кўрсаткичларнинг ўзиёқ Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш тизимини янада тақомиллаштириш гоёсига содиқлигини ҳамда бундан буён ҳам амалий ислохотлар йўлидан боришни намоян этиш баробарида, кўрилаётган чоралар ва ислохотлар яхлит, барқарор ва орқага қайтмас тус олганидан далolatдир.



Болалар меҳнатига қарши курашда муҳим профилактик чоралардан бири бўлган йўналиш — мактаб ёшидаги болалар учун ёзги соғломлаштириш ишларини ташкил этиш йўналишида ҳам Ўзбекистон бой тажрибага эга. Жорий йилда 1 298 та болалар соғломлаштириш оромгоҳи фаолияти йўлга қўйилиб, уларда 332 мингдан зиёд ўғил-қизларни соғломлаштириш режалаштирилган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан «Нихол» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ташкил этилган тадбирда болажонларга мазкур йўналишларда амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг натижалари, Бутунжаҳон болалар меҳнатига қарши кураш кунининг мазмун-моҳияти, бу борада юртимизда олиб борилаётган тизимли ишлар тўғрисида сўзлаб берилди. Тадбир доирасида ушбу масканда дам олаётган ўғил-қизлар ўз қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда рақс, қўшиқ, саҳна кўринишлари, расм чиқиш, шахмат, шашка, стол тенниси, хунармандчилик йўналишларида тематик гуруҳларга бўлиниб, машғулотлар ўтказди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати раҳбари.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45. Манзилими: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 55-уй. Навбатчи муҳаррир — З. Худойкуров. Мусахҳас — Ш. Машраббоев. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.25 Топширилди — 00.00 1 2 3 4 5 6

Ўзбекистон делегацияси Макка шаҳрида бўлиб ўтган «Хаж — 2024» мавсумига бағишланган 48-халқаро симпозиумда иштирок этди.

Ташрифта келган кўлемлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайдди. Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмиylлаштирган ташкилот жаавобгар. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масул. Босмахона телефони: 71-233-11-07. Манзилими: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 55-уй. Навбатчи муҳаррир — З. Худойкуров. Мусахҳас — Ш. Машраббоев.